

## Ҳаж 2024 мавсумига ташриф буюрган ҳожилар сони эълон қилинди



21:32 / 22.06.2024 2816

Саудия Арабистони Подшоҳлиги статистика бош бошқармаси ҳаж амалларини бажаришга келган зиёратчилар сонини эълон қилди.

Унга кўра:

Бу йил бир миллион 833 минг 164 нафар киши ҳаж амалини адо этган. Шундан ички зиёратчилар сони 221 минг 854 нафар.

Ҳожиларнинг 958 137 нафари эркак, 875 027 нафари эса аёллардир.

Зиёратчиларнинг 22,3 фоизи араб, 63,3 фоизи эса Осиё, 11,3 Африка давлатларидан, Европа, Америка, Австралия ва бошқа мамлакатлардан

келган зиёратчилар сони эса 3,2 фоизни ташкил этган.

Зиёратчиларнинг асосий қисми ҳаво йўллари орқали келган.

Бу йил юртимиздан 15 минг 130 нафар фуқаро ҳаж ибодатига муяссар бўлди.

Эслатиб ўтамиз, 22 июндан 12 июлга қадар ҳожиларимизни Жидда шаҳридан Ўзбекистонга олиб келиш ишлари амалга оширилади.